БОЛА СОҒЛОМ, ОНА БАХТИЁР

НАВОИЙ. Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, соғлом авлодни тарбиялаш масаласида Навбаҳор ва Навоий туманларида ибратли ишлар қилинмоқда. Хусусан, аҳолини тиббий кўрикдан ўтказиш, замонавий муолажалардан фойдаланиш ишларида тажриба орттирилган. Оналик ва болаликни муҳофаза қилишга бағишланган республика семинар-кенгашининг бу ерда ўтказилиши ҳам бежиз эмас. Йиғилишда Самарқанд, Қашқадарё, Бухоро ва Навоий вилоятларидан вакиллар қатнашди. Ҳомиладор аёлларга эътибор, камқонликнинг олдини олиш, болалар касалликларини камайтириш хусусида тажрибалар ўртоқлашилди. Семинарда вилоят ҳокими Ҳ. Раффоров, республика соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари А. Ёқуқов иштирок этди.

Музаффар ШАРОПОВ.

ҲИНДИСТОНДА ТИЛ ЎРГАНИБ

ТОШКЕНТ. Давлат университети халқаро журналистика бўлимининг беш нафар талабаси таҳсил олиш учун Ҳиндистонга жўнаб кетди. Улар юртдошимиз Мирзо Бобур маскан топган бу юртда инглиз тилини ўрганиш билан бирга ҳинд халқи маданияти, урф-одатлари билан яқиндан танишадилар.

Хайрулло АБДУЛЛАЕВ.

ЙИГИРМА МИЛЛИОН СЎМЛИК ЖИҲОЗ

НУКУС. "Қорақалпоқмебель" ҳиссадорлик жамияти мактаблар, интернатлар учун парта, доска, стол-стул ва лаборатория асбоб-ускуналарини ишлаб чиқаради. Уқув йили бошлангунга қадар камида 5500-6000 та парта, кўплаб доска, стол-стул, шкаф каби жиҳозлар ишлаб чиқарилади. Шунингдек, 2,5 мингтадан кўпроқ парта таъмирланади. Бунинг учун жами 20 миллион сўм сарфланади.

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ.

СЎНГГИ СОАТДА

янгиликлар, воқеалар, хабарлар

"ИСТИҚЛОЛ" ТЕЛЕСТУДИЯСИ

БУХОРО. Қадимий шаҳарнинг 2500 йиллиги шарафига телестудия ишга туширилди. Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси рўйхатдан ўтказган "Истиқлол" студиясида ўзбек, рус ва тожик тилларида кўрсатувлар уюштирилади. Қадимий шаҳарнинг ўтмиши ва бугуни, меҳнаткашлари ҳақида ҳикоя қилинади.

Даврон БАҲРОНОВ.

МАҲДУМИ АЪЗАМ МАҚБАРАСИ

НАМАНГАН. Косонсойликлар ислом дунёсининг пири даражасига кўтарилган ҳамюртлари хотирасини ўйлаб, Маҳдуми Аъзам таваллуд топган маҳаллада унга ёдгорлик ўрнатмоқдалар. Қўш қаватли мажмуанинг биринчи қаватида тиловатгоҳ, иккинчисида музей бўлади. Қурилишни 355-кўчма механизациялашган жамланманинг Назрулло Хусанов бошчилигидаги бунёдкорлари амалга оширмоқдалар.

Маҳмуджон ПАРПИЕВ.

"МУСТАҚИЛ ДИЁРИМ — ЎЗБЕКИСТОНИМ"

САМАРҚАНД. Вилоят ҳокимлигининг маданият ишлари бошқармаси ташкил қилган мустақилликнинг беш йиллиги, Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишлаб, ҳаваскорларнинг "Мустақил диёрим — Ўзбекистоним" кўрик-танлови кўпчиликда яхши таассурот қолдирмоқда. Фестиваль август ойида ҳам давом этади. Ғолиблар эса мустақиллик байрами арафасида аниқланади.

Гулнора ҚУРБОНОВА.

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1996 йил 16 июль, сешанба № 90 (22.011).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

Қишлоқ истиқболи — юрт истиқболи

ИМКОНИЯТ ОСМОНДАН ТУШМАЙДИ

Бандихон тумани ижтимоий инфраструктураси қай аҳволда?

Бандихон Сурхондарёнинг кенжа тумани, 27 минг аҳолиси, 11300 гектар суғориладиган ери бор. Вилоят марказидан қарийб саксон чақирим, темир йўлдан 40 чақиримча узоқда жойлашган.

Бандихон даштидаги олтита жамоа хўжалигининг бири Бойсун, иккинчиси Қумқўрғон ёки Қизириқ туманларига бўйсунарди. Одамларнинг, ижтимоий таъминот идорасидан мушукнинг қулоғидеккина қоғоз олмоғимиз учун қачонгача энди юз чақирим йўлга қатнаймиз, деганга ўхшаш талаблари инобатга олинди. Бандихон 1992 йили туман бўлди. Туман бўлганининг аввало шуниси яхши бўлдики, кўп киши ишлик бўлиб қолди. Ҳали бирон хонадон газлаштирилмаган жойда туман газлаштириш идораси, ички ишлар бўлими ташкил қилинди. Хуллас, бир чумчуққа ҳам дону ҳам сув керак деганларидек, яна санаб саноғига етмоғимиз қийин бўлган бошқарув, тафтиш, назорат идоралари қарор топди.

Туман тузилгандан сўнг табиийки, уй-жой энг долзарб муаммога айланган эди. Дастлабки босқичдаёқ бу муаммо бандихончасига (ўзига хос) ҳал қилинди: тўқсон биринчи йилдами фойдаланишга топширилган 18 квартирали уй фуқароларга эмас, идораларга тақсимлаб берилди. Туман меъмори Камол Эшқобиловнинг айтишича, ўша уйда ҳамон туман молия бўлими агросаноат уюшмаси, солиқчилар, ижтимоий таъминот ва яна аллақайси идоралар яйраб-яшаб турибди. 1995 йилда туман марказида қурилиши бошланган 20 квартирали уй қурилиши маромини бўлса биз айтмаганимизу сизнинг эшитмаганингиз яхши.

Йўли узоқ манзилнинг аввало маиший хизмати-ю бозори дуруст бўлса, деймиз. Бандихон туман бўлиб бу ерда ривожлангандан, тўғриси, маиший хизмат «ривожланди». Туман бўлмасдан илгари ишонсангиз, бутун Бандихон бўйича атиги биттами сартарошхона бор эди-да. Ҳозир бўлса шу соҳа бўйича масъул Нурали Тошмуродовнинг айтиши бўйича, сартарошхоналар кўпайди. Бошқа хизмат кўрсатиш нуқталари очилди. Ва яна Тошмуродовнинг қўлидаги қоғозига қараб айтишича, ҳозир туманда аҳоли жон бошига ойига 60 тийинлик маиший хизмат кўрсатилмоқда. Тошмуродов энди кийим-кечакни кимёвий тозалаш, соат, холодильник тузатиш устахоналарини, мисгарлик цехини очмоқчи. Лекин очай деса, бино йўқ, иморат — жой йўқ. Жойни Тошмуродов қуриб ололмас. Жойни бошқа биров қуриб бермас. Демак...

Хўш, туман иқтисодиётининг умуртқаси бўлмиш деҳқончиликнинг — пахтачилигу ғаллачиликнинг ривожланиши қай аҳволда?

Бандихон туман бўлиб пахта етиштириш давлат шартномасини сурункасига барбод этиб келмоқда. 1993 йили пахтачиликда «қўшиб ёзиш операцияси»ни бошқаларга нисбатан уқувсизларча амалга оширгани учун туман ҳокими Носир Даминов ишдан бўшатилди. Бироқ кейинги йил тажрибалари ишни яхшиламоқ учун ҳокимни алмаштиришнинг ўзи камлик қилаётганини кўрсатмоқда. Деҳқончиликнинг бошқа турлари ривожи ҳам ҳаминқадар.

Картошка етиштиришни олайлик: тўқсон бешинчи йилда туман уруғ тополмади. Режалаштирилган 15 гектарда эмас, 2,5 гектарда картошка экди. Аҳолидан тайёрланганлари билан қўшиб ҳисоблаганда ўтган йили Бандихонда аҳоли жон бошига... 1,7 килограммдан картошка етиштирилди. Бу йил энди шуям йўқ — туман истиқболстат идораси бошлиғи А. Мамаражабовнинг айтишича, картошка етиштириш режага киритилмаган.

Вилоят раҳбарияти Бандихонни кичик туман, узоқ туман деб ўгайситаётгани йўқ. Газлаштиришни тезлатишга бош қўшмоқчи. Ичимлик сув таъминоти яхшиланяпти. Маданий — соғломлаштириш объектлари қурилишида жонланиш кўзга ташланмоқда. Энди савол туғилади: нима энди, Бандихоннинг бозорига картошкани ё сабзавотнинг бирон турини Термиз шаҳридан ё бошқа жойдан олиб келиш кераким? Унда Бандихоннинг тупроғи олтин, одамлари жазирама қуёшни иродаларига бўйсундира олади деган маҳаллий газеталарнинг кечаги мақтовлари қаёқда қолади?!

Биз бўлса туманнинг ҳозирги иқтисодиёти ва қатъий ҳамда қатъий бўлмаган ваъдаларига бир нарсани илова қилмоқчимиз: агар ҳукумат раъйимизни синдирмай туман ташкил қилиб берса, бу ғамхўрликка жавобан юртимизни яшнатиш учун ўн баравар, юз баравар яхшироқ ишлаган бўлардик, деб бандихонликларнинг бундан беш-олти йил аввал айтган гаплари, ҳалол луқмалари ҳеч кимнинг, жумладан, бандихонликларнинг ҳам хотирасидан кўтарилгани йўқ. Қани эди бу гап билан ҳокимликда айтилаётган ваъдалар бир-бирига қурашиб-улашиб кетса?! Қани эди, масалан, одамлару раҳбарлар ўртасида, пахта экиладиган жойда нега тарвузу пиёз экдик, деганга ўхшаган асаббузди мунозаралардан кўра бир-бирини тўғри тушуниб, ҳар ким ўз аравасини ўзи тортиб ишлаш устувор келса. Бандихоннинг истиқболи учун ҳамма баравар жон тортса.

Ахир, Бандихонни бандихонликларнинг ўзлари обод қиладилар. Олма пишади-ю оғзимга тушади, деган гап эса ҳолва!..

Олимжон УСАНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.







Мустақиллик иншоотларида

«ЎЗДЭУАВТО» ЮРТИМИЗНИ ДУНЁГА ТАНИТАДИ!

РЕПОРТАЖ

«ЎзДЭУавто» корхонасининг хориждагидек ойнаванд бинолари кўзни қамаштиргудек жилваланади. Замонавий гигант корхонанинг остонасига қадам қўйганимда қалбим ажиб ўй-ҳисларга тўлди. Хаёлим ўтмишга уланди. Аравасоз Мирза бобомнинг улуғ кунларга ишора қилиб айтганлари ёдимга тушди. Мамлакатимизнинг истиқлолга юз тутиши аравасоз бобомнинг орзуларини рўёбга чиқарди.

Президентимизнинг фидойилиги билан бошланган «ЎзДЭУавто» қўшма корхонаси жуда қисқа вақт ичида бўй кўрсатди. Бажарилган кенг қамровли ишлар ҳаммани ҳайратга солди. Гигант корхонада Ўзбекистон фарзандлари кореялик ҳамкорлар билан ёнма-ён туриб ишлаяптилар. Уларнинг аксарияти қишлоқ ёшлари экани, муқим ҳунарли бўлиб, автомобилсозлик сирларини ўзлаштираётгани мамлакатимиздаги илгарилашига аниқ мисол.

Кўнглимда ғурур ила улкан цехларга қадам ташлайман. Ҳамроҳим — «ЎзДЭУавто» қўшма корхонасининг ишлаб чиқариш бўйича директори Ҳотамжон Сотволдиевнинг сўзларидан мароқландим. Ҳотамжондек ёш, ғайратли юртдошларимиз замонавий жиҳозланган корхонада масъулиятли вазифаларни уддалаётганликларидан фахрландим. Ўзбекистонлик мутахассислар, ҳунар ўрганиш иштиёқидаги кўплаб йигитлар Жанубий Кореядаги турдош корхоналарда малака ошириб келганликлари бугун автомобилсозлик корхонаси цехларида яққол кўринмоқда.

Равшанбек Зулунов информатика соҳаси бўйича етук мутахассис. Маҳаммаджон Гапиров менежер-у ҳам информатика тизими гуруҳида ишлайди. Фарғона политехника институти энергетика факультетини тамомлаган. Маҳаммаджон билан бир қаторда марҳаматлик 41 нафар ёш йигит шу ерда меҳнат қилишяпти. Энг замонавий техника билан тиллашишяпти.

Ҳотамжон билан суҳбатни давом эттирдим.

— Сизга бундай вазифани бажариш оғир эмасми? — сўрайман ундан.

— Барча ўз ишини билиб, аниқ бажарса «мушкуллик бўлмайди, — дейди Ҳотамжон. — Ишловчилар бири-бирига кўмакдош бўлганлиги учун ҳам оғирлик сезилмайди. Кореялик уста автомобилсоз мутахассисларнинг тажрибаларига қулоқ тутамиз. Улар ҳамиша кўмакка тайёр. Хорижга борганимда кўплаб дўстлар орттирдим. Ҳозир ишлаб чиқариш бўлимида меҳнат қилаётган менежер Им Дж Хон қадрдоним. Кореядаги корхонада иш ўрганаётганимда танишганман. Насиб этиб бугун бу ерда ишлаяпмиз. «ЎзДЭУавто»нинг ишлаб чиқариш бўйича директор ўринбосари вазифасини уддалаётган Чан Гой тажрибали мутахассис. У билан елкама-елка ишлашнинг ўзи бир фахр.

Ишлаб чиқариш бўлимида меҳнат қилаётган менежер Им Дж Хон қадрдоним. Кореядаги корхонада иш ўрганаётганимда танишганман. Насиб этиб бугун бу ерда ишлаяпмиз. «ЎзДЭУавто»нинг ишлаб чиқариш бўйича директор ўринбосари вазифасини уддалаётган Чан Гой тажрибали мутахассис. У билан елкама-елка ишлашнинг ўзи бир фахр.

Узлуксиз ишловчи узун линияда «Тико», «Дамас»лар оҳиста «сузади». Автомобилларнинг ҳар биридаги ёрлиқ эътиборимни тортди. Қизиқишимни сезган Ҳотамжон изоҳ берди.

— Ҳар бир йиғилаётган автомобилдаги қоғоз ёрлиқда бажарилиши зарур вазифалар аниқ кўрсатилган. Кенг катакчаларда эса кимнинг қандай иш қилиши ойнадек равшан.

Ҳар бир иш жойида саранжон-саришталик. Ҳеч бир ортиқча нарса кўзга ташланмайди. Ишловчилар сифатга интиляптилар. Конвейердаги автомобилларнинг қанотларига маҳкамланган пластик қисмлар ҳам сифатга кафолатдир. Чунки янги автомобилнинг ҳеч бир қисмига зарар етмасдан бутланиши керак.

Пайвандлаш цехидаги улкан роботларнинг автоматик тарзда металл қисмларни чоклаётгани ҳам кузатувчини ҳайратга солади. Бу — замонавий техника ва инсон заковати нималарга қодирлигининг намунаси.

Янги корхонанинг илғор хизматчилари, мутахассислари кўп: Алижон Ёқубов, Муҳитдин Каримов, Қобилжон Собиров, Маҳмуджон Умрзоқов, Улуғбек Юнусов, Ҳошимжон Эгамбердиев, Алберть Тошматов, Бахтиёржон Назаров, Козимжон Иброҳимов, Рустамжон Мамажонов. Улар мустақил мамлакатимиздаги гигант қўшма корхона маҳсулотини меҳр билан тайёрлаяптилар.

Конвейердан тушаётган «Дамас», «Тико»лар худди оқ қушларни эслатади. Янги автомобилларни кўрганимда хорижлик мутахассислару, юртдош автомобилсозларга тахсинлар айтаман. Қалбим қувончу ғурурга тўлади. Уларнинг меҳнати билан энг замонавий «Нексия» русумли енгил автомобиллар ҳам яқин кунларда «ҳаёт»га йўлланма олади. Ҳа, «ЎзДЭУавто» корхонаси маҳсулоти мустақил мамлакатимизни дунёга танитади!

Аҳмадилло СОЛИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

***СУРАТЛАРДА:** қўшма корхона цехларида.*

Наби ЎТАРБЕКОВ олган суратлар.

АҚШДА ЕНГ ШИМАРИБ ИШГА КИРИШИШ ТАРАДДУДИ КЎРИЛЯПТИ

Вашингтон. Давлат котиби ўринбосари Строуб Тэлботт, энди— Россия халқи ўзининг минг йиллик тарихида биринчи марта ўз давлат бошлиғини сайлаганида Қўшма Штатлар яқин ойлар ичида «енг шимариб руслар билан ишга киришиши» лозим, мазмунида баёнот берди.

11 июлда бўлиб ўтган Америка—Россия бизнес-кенгаши мажлисида сўзлаган нутқида Давлат котиби ўринбосари, Борис Ельцин Президент сифатида иккинчи муддатни бошлар экан, мураккаб вазифалар счимини топишда янги муҳим дастакка: «Ислоҳотлар дастурини давом эттиришда Россия халқининг муайян ёрлигига эга бўлди», — деб айтди.

Тэлботт, Россия Қўшма Штатлар билан ҳамкорликда уч муҳим— хавфсизлик, минтақавий ҳамкорлик, шунингдек иқтисод ва тижорат соҳаларига ўз кучини йўналтиради, деди у.

РАД ЭТМОҚДА

Токиодаги Аум Синрикё оқимининг раҳнамоси Шоко Асахара устидан очилган суд жараёни давом этмоқда. У мазкур оқимнинг моддий маблағини ноқонуний ўзлаштирганликда ва қотилликда айбланади. Унинг ўзи бу айбловларни рад этиб турибди.

ШАХСИ АНИҚЛАНМОҚДА

Дарёда 8 миль масофани сузиб Шимолий Кореядан Жанубий Корея ҳудудига ўтган сузувчи қўлга олинди. У қанчалик беркинишга ҳаракат қилмасин, икки чегарачи аскар уни пайқаб қолди. Сузувчининг шахси аниқланмоқда. У аввало тиббий кўрикдан ўтказилади.

СУВ ТОШҚИНИ

Ҳиндистоннинг Ғарбий Бенгалия штатидаги Калимпонг ҳудудида кучли сув тошқини оқибатида 50 нафар киши ҳалок бўлди, кўплаб кишилар бошпанасиз қолди.

Дастлабки маълумотларга кўра, тошқин натижасида бу ерда 18 та турар жой биноси сув ва лойқа остида қолган. Қутқарувчиларнинг хабар қилишича, Калимпонгнинг айрим қисмлари билан алоқа қилишнинг умуман иложи йўқ. Шунинг учун жабрланганлар ҳақидаги энг сўнгги маълумотларни олиш қийинлашмоқда.

Иқтисодиёт олами

ЕНГИЛ МАШИНА АККУМУЛЯТОРЛАРИ

ЖИЗЗАХ. *Аккумулятор заводи жамоаси шу пайтгача йирик ҳажмдаги махсус аккумуляторлар ишлаб чиқариб, маҳсулотни Россия, Украина ҳамда Белорусга етказиб берарди. Яқинда корхона енгил автомашиналарга мўлжалланган аккумуляторлар ишлаб чиқаришни бошлади. Янги маҳсулотнинг дастлабки туркуми ғаллазорларда дон ташиётган автомашиналар учун жўнатилди.*

Келдиёр ЖЎРАҚУЛОВ.

КЕТЧУП ЎЗИМИЗДА ТАЙЁРЛАНАДИ

САМАРҚАНД. *«Кириквут Энт Бразерс» Исроил-Ўзбекистон қўшма корхонаси сифатли, жаҳон андозаларига мос «Кетчуп», яъни витаминларга бой томат соуси ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Бир сменада бор-йўғи 3 киловатт электр қуввати билан 2,5 тонна маҳсулот тайёрланмоқда. Корхонада 7 киши меҳнат қилади. Келгусида бу ерда шарбат, томат пастаси ва майонезлар ишлаб чиқариш режалаштирилмоқда.*

Фармон ТОШЕВ.

Депутат минбари

ДЕМОКРАТИЯНИНГ ЕТАКЧИ КУЧИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати, Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар кенгашининг биринчи котиби ва Марказий Кенгашнинг котибият аъзоси Латиф Ғуломов билан мухбиримизнинг суҳбати жамиятимизнинг ижтимоий-сиёсий тизимини демократлаштириш, кўп партиялилик ва Ўзбекистон ХДП дастурий мақсадлари ҳамда унинг янги босқичи билан боғлиқ бўлган масалалар ҳақида бўлди.

— Латиф Ёқубович, бугунги кунда мамлакатимизда демократик турмуш тарзини изчил қарор топтириш, ҳар томонлама ижтимоий адолат ғоясини амалга ошириш, Ватаннинг умумий манфаатлари йўлида ижтимоий нуқтаи назарларнинг хилма-хиллиги муҳим аҳамият касб этмоқда. Мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаёти ва демократик жараёнларнинг қарор топишида Ўзбекистон ХДПнинг ролига баҳо бериш учун энг принципиал масала нима ҳисобланади?

— Ҳақиқатан ҳам биз учун долзарб бўлган ушбу саволга чуқурроқ жавоб бериш учун Президентимиз Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг демократлаштириш ҳақида чиқарган хулосаларига мурожаат қиламиз. Олий Мажлиснинг биринчи сессиясидаёқ давлат раҳбарининг маърузасида ислоҳотларни муваффақиятли ўтказишда демократлаштиришнинг етакчи роли аниқ белгилаб берилган эди. Ушбу маърузада шунингдек, чинакам кўп партиялилик учун шароит яратишда давлатнинг жавобгарлиги ҳам уқтирилган эди. Бу Ўзбекистон Конституциясида ҳам эътироф этилади.

Ўзбекистон ХДП ўтган тарихий беш йил ичида ўзининг бутун сиёсий йўналиши билан мамлакатнинг олий манфаатларига ва демократияга содиқ эканлигини исбот қилди. Энг қийин дастлабки йилларда ҳам, кейинги муқобиллик, кўп партиялилик асосида ўтган Президентлик ва Олий Мажлис сайловлари чоғида ҳам, Конституциянинг умумхалқ муҳокамаси ва қабул қилиниши давомида ҳам ўз анъанасини бузмади.

Партиямиз мутлақо янги партия эканлигига қарамай сафдошларимиз томонидан ишлаб чиқилган ва жамиятда қўллаб-қувватланган Миллий истиқлол мафкураси ғоялари асосида иш юритиб тобора нуфузи ортиб боряпти. Партия одамларни мафкуравий эътиқодларига кўра бир-бирига қарама-қарши қўймади. Бундай ёндашув кўп жиҳатдан осойишталик ва барқарорликнинг муҳим шарти бўлди.

Фуқаролик, кўппартиялилик жамияти демократик моҳиятини қўллаб-қувватлаш партиямизнинг барча дастурий ҳужжатларида ўз аксини топган. Унинг босиқ, чуқур ўйланган нуқтаи назари, халқ манфаатлари йўлида давлат раҳбарияти олиб бораётган ислоҳотлар йўлини қўллаб-қувватлаши жамоатчилик фикрига ижобий таъсир кўрсатади, деб ўйлайман.

Сиёсий партияларнинг тўлақонли фаолиятисиз Ўзбекистоннинг барқарор келажагини тасаввур қилиб бўлмайди. Ушбу хулоса қаердадир хорижда эмас, балки мамлакат жамоатчилигининг ўзида пайдо бўлганлиги қувончлидир. Олий Мажлиснинг сессияларида хилма-хил муаммолар юзасидан мунозаралар давомида сиёсий партиялар фракцияларининг аниқ мақсадини кўзлаган, ваколатли ва мустақил роли зарурлигини тушуниш доимий равишда мустаҳкамланиб борди.

Бироқ, бизнинг сиёсий партияларимиз ислоҳотларнинг муҳим босқичида ўзларининг яратувчилик имкониятларини тўлиқ намоён қилдилар, деб бўлмайди.

Аввало, аҳоли ўртасида қарор топган ижтимоий фикр анъаналари сиёсий мусобақалашишга ва сиёсий партиянинг давлат ҳокимияти тузилмасидан мустақиллиги тўғрисидаги фикрнинг ўзига кўникиши қийин бўлмоқда. Баъзан партия арбоблари ҳокимият олдида жамоатчилик фикри овозини, ўзининг фуқаролик нуқтаи назарини очиқча изҳор қилишда ишончсизлик, итоаткорлик кўрсатмоқдалар.

Ислоҳотлар учун, барқарорликни мустаҳкамлаш учун, фуқаролар тотувлиги учун фуқаролар ҳамда сиёсий партиялар, ижтимоий кучлар баб-баравар жавоб бериши керак. Эндиликда эскича ёндашувлар билан яшаб бўлмайди. Бу менинг партиянинг бир аъзоси сифатидаги фикрим эмас. Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар кенгашининг XI пленумида шундай хулосаларга келинди. Ушбу хулосалар партия Марказий Кенгаши ва унинг Сиёсий ижроия қўмитаси нуқтаи назари билан ҳамоҳангдир.

— Бизнинг мамлакатимизда демократия, унинг ҳуқуқий, ижтимоий-сиёсий шарт-шароитлари ва демократиянинг бош механизми — кўппартиялилик қарор топганига ҳали кўп бўлгани йўқ. Энди партиямизга ҳам кўпроқ янги куч бағишлаш зарурлиги тобора аён бўлмоқда. Қолаверса, Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши XVI пленумига қадар мамлакатимиз раҳбарининг партиямизга етакчилик қилганлигини яхши биламиз...

— Президентимиз миллий яхлитлик ижтимоий бирликнинг рамзи ва кафолати сифатидаги давлат бошлиғи конституцион мажбуриятларидан келиб чиқиб етилган қарорни қабул қилди. Мамлакат Президенти Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг Сиёсий ижроия қўмитасига ариза билан мурожаат қилди ва бу аризада партияга аъзолик масаласида сиёсий қарор қабул қилишнинг зарурлигини тушунтирди. Ушбу қадамдан кутилган мақсад битта, у ҳам бўлса халқ манфаатларини ҳар нарсадан юқори қўйиш, ташкил этилган ва ташкил этилаётган барча сиёсий партияларга адолатли ва тенг шароитлар яратилишига кўмаклашишдир.

Агар ушбу масалада менинг фикримни билмоқчи бўлсангиз, менинг фикрим аниқ. Мамлакат Президенти ҳам жамиятга, ҳам давлатга, ҳам Ўзбекистон ХДПга фойда бўладиган сиёсий жиҳатдан чуқур ўйланган қарор қабул қилди.

— Кўппартиялилик жараёнида шаҳар кенгаши биринчи котиби бўлиб ишлаш, Олий Мажлис депутатлиги, булар катта масъулият юклаши билан бирга, улкан ваколат ҳам беради. Сиз депутат сифатида ўз ишингиздан қониқиш сезаяпсизми?

— Бугунги кунда партия турмушининг услуби ва механизмларини янгилаш Ўзбекистон ХДПнинг Олий Мажлисдаги депутатлар гуруҳини ҳам ўз ичига олиши мақсадга мувофиқ бўлур эди. Ушбу гуруҳ партиянинг дастурий ҳужжатларидан келиб чиқувчи қонун лойиҳалари «макетини» тайёрлаши мумкин. Шу ўринда иккита муаммони айтиб ўтмоқчиман. Улар бўйича кўплаб таклифлар тўпланиб қолди. Бу оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, шунингдек сиёсий партияларнинг ҳуқуқий роли, функциясидир.

Эҳтимол, мен хато қилаётгандирман, бироқ кўпчилик партия ходимлари социологик тадқиқотлар усуллари билан ижтимоий фикрни аниқлашга ва олинадиган умумлашмаларни депутатлар корпуси орқали ҳаракатга келтиришга ҳали ўрганган эмаслар. Бизнинг шаҳар кенгашимиз олимлар томонидан ишлаб чиқилган ҳамда туман кенгашлари, бошланғич ташкилотлар томонидан амалга оширилган методика бўйича жамоатчилик фикрини ҳар ойда таҳлил қилишга яна қайтиши зарур. Ўйлайманки, олинган натижалар ҳокимларга ҳам, бошқарувнинг барча органларига ҳам зарур бўлади.

— Яқинда «Камолот» ёшлар жамғармаси тузилди. Шу боис Тошкент шаҳар партия кенгашининг ёшлар билан ишлашдаги дастури қандай?

— Аввало, ҳар доим вазифаларни белгилар эканмиз, ёшлар билан иш олиб боришга алоҳида аҳамият беришимизни айтмоқчи эдим. Ярим йиллик натижаларга кўра, бизда ХДПга қабул қилинганлар орасида 30 ёшгача бўлганлар 44,5 фоизни ташкил этади. Сафларни ёшартириш жараёни партиянинг яшовчанлиги белгисидир. Иккинчи томондан, Тошкентда ХДПнинг ёшлар орасида кўплаб партиясиз тарафдорлари мавжуд. Ниҳоят улар билан ички партиявий ҳамкорлик механизмини топиш зарур. Маълумки, партиямиз Устави ёшлар клублари ташкил этиш имкониятини назарда тутади, менимча партия ҳузурида ёшлар ташкилоти тузишга вақт келди.

Бугунги кунда пойтахт партия ташкилотларида 37 мингдан зиёд аъзо бор. Ҳар ойда 500 дан 700 нафаргача киши партия сафига қабул қилинмоқда.

— Бугунги кунда мамлакатда тўртта сиёсий партия фаолият кўрсатмоқда. Табиийки, бозор муносабатлари ривожланиши, янги ижтимоий гуруҳлар мустаҳкамланиш ва барча ижтимоий табақаларнинг ижтимоий манфаатлари янгиланиши билан бошқа партиялар ҳам пайдо бўлиши мумкин. Тараққиётнинг умуммиллий мақсадлари йўлида партияларнинг алоқалари, ҳамкорлигининг эҳтимол тутилган механизмларини Сиз қандай тушунасиз?

— Партияларнинг ҳамкорлик қилишлари — халқ фаровонлиги учун муҳим кўрсаткич сифатида қўйилган. Ўзбекистон ХДП бошқа сиёсий партиялар ўртасидаги ўзаро тушуниш, фаол жараёнининг ташаббускори бўлиши керак. Гап қандайдир бошчилик, алоҳида даъволар тўғрисида бормаяпти. Пировард натижада, демократик жамиятда сўнгги сўз сайловчиларга тегишли бўлади.

Шунингдек, «Халқ бирлиги» ҳаракати билан биргаликда очиқ мулоқот олиб бориш учун «давра суҳбати» механизми синовдан ўтказилди. Уни фаоллаштириш зарур бўлади. Партияларнинг парламент фракциялари, сессияларга тайёргарлик давомида қўмиталар ва комиссиялар таркибида депутатларнинг кўппартиялилик асосидаги ҳамкорлиги мулоқот учун кўплаб имкониятлар беради. Депутатлар корпуси доирасида партияларо мулоқот ўтказиш учун парламент клуби очиладиган вақтлар ҳам келар. Ишонаманки, телевидение ва оммавий ахборот воситаларида партия арбобларининг чуқур таҳлилий мулоқотларини ўтказишга ўрганамиз. Айтмоқчи, «Ўзбекистон овози» саҳифаларида бундай мунозаралардан бирини кўриш газетамиз ўқувчиларига қизиқарли бўлмайдими?

Бизнинг халқимиз ижтимоий маданиятининг хусусияти шундан иборатки, энг асосий масалада муросага келиш кўп партиявий муносабатларига қўйиладиган асосий талаблардан бири бўлиб қолади. Маҳаллаларда турли партияларнинг ҳудудий ташкилотлари пайдо бўлиши ижтимоий ўзини-ўзи бошқаришнинг муайян муҳим бўғинида улар нуқтаи назарларининг келишилишини тақозо этади. Реал кўппартиялилик, афтидан сайлов ҳуқуқини такомиллаштириш масалаларини келтириб чиқаради. Демак, партиянинг интеллектуал имкониятига, унинг раҳбар органлари аппаратига қўйиладиган талаблар ҳам ошади. Энг асосийси, қандайдир бирор-бир янгилик эмас, балки жамиятда тотувлик ва келишув бўлиши, унинг адолат, демократия ва фаровонлик йўлида илгарилаб бориши учун реал фойда бўлиши керак.

Менимча, кўпчилик партия «иссиқ» ўринларни эгаллаш учун тузилмаганлигини тушуниб етди. Бу эса партиямизнинг маънавий соғломлиги ва барқарорлигининг муҳим кўрсаткичи ҳисобланади. У ўз аъзолари учун ўзаро ҳурмат ва ижтимоий ҳаётда талабчанлик каби қадриятларини яратади.

Шу кунларда Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар ташкилотларида Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг беш йиллик байрамига тайёргарлик фаоллашмоқда. Шу муносабат билан газетамизнинг барча ўқувчиларига, партиямиз аъзоларига, жонажон Ватанимизнинг кўп миллатли халқига ушбу муҳим воқеа шарафига муваффақиятли меҳнат қилишларини тилайман

Суҳбатдош:
Эркин ЭСИРГАДИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

СУҲБАТДОШИМИЗ ҲАҚИДА: Латиф Ёқубович ҒУЛОМОВ 1956 йили Тошкент шаҳрида туғилган. Тошкент Давлат университети ва Тошкент сиёсатшунослик ва бошқарув институтини битирган. Мутахассислиги филолог арабшунос, сиёсатшунос. Инглиз ва араб тилларини яхши билади. У тарих фанлари номзодидир. 1994 йилдан буён Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар кенгаши биринчи котиби бўлиб ишлаётган Латиф Ёқубович айни пайтда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати ҳамдир. Турмуш ўртоғи иқтисодчи. Икки фарзандининг отаси.

ЯКУНИЙ БОСҚИЧ ЯҚИН

Мамлакатимиз мустақиллигининг беш йиллигига бағишлаб ўтказилаётган «Ўзбекистон Ватаним маним» кўрик танлови республика туман, вилоятларида ўз ниҳоясига етди. Энди навбат якуний босқичга. Ҳозирги кунда республикамизнинг барча вилоятларида «Ўзбекистон Ватаним—маним» қўшиқлар кўрик танловининг Тошкентда ўтадиган сўнгги довонига қизғин тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда. Республика Маданият ишлари вазирлигида вилоятларда мазкур танловга тайёргарликнинг бориши ва уни ташкил этиш хусусида бир неча бор йиғилишлар бўлиб ўтди. Вилоятлардан келаётган кўрик қатнашчиларига зарур шарт-шароитлар яратиш мақсадида вазирлик томонидан керакли маблағ ажратилган. Ётоқхоналар, машқлар ўтказиш жойлари шай қилинган,. Емакхоналар тайинланган. Вилоятларнинг якуний чиқишлари Туркистон саройида ўтказилиши режалаштирилган.

Мухтасархон КАРИМОВА.

Ғалла мустақиллиги йўлида

СУРХОНДАРЁ . ХИРМОНИ

Вилоят ғаллакорлари давлатга 183 минг тонна дон сотиб, кўзланган мақсадга етдилар. Ҳосил гектарига 30 центнерданга тўғри келди. Узун, Сариосиё, Шўрчи, Денов туманларининг деҳқонлари ҳосилдорликни 50-60, ҳатто 90 центнерга етказишди. Сурхондарё дон хирмонини уйишда 27 та «Кейс», 600 тадан кўпроқ оддий комабайнлар кучидан фойдаланилди. Ҳозир ғалладан бўшаган 25 минг гектардан зиёд майдонда пахта, маккажўхори, сабзавот, полиз ва бошқа зироатлар экилган. Сурхондарёликлар давлатга яна 10 минг тонна ғалла етказиб, уруғлик заҳирасини тўлдириш йўлида саъй-ҳаракат қилмоқдалар.

Олимжон УСАНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ҚИБРАЙ «КОКА-КОЛА»СИ

Хабарингиз борми?

Бундан роппа-роса 110 йил муқаддам Атлантада кашф этилган ичимлик орадан шунча вақт ўтиб, оз фурсат ичида республикамиз бозорлари-ю дўконларини қамраб олаётганлиги, каттаю кичик учун ажойиб чанқовбосди ичимликка айланаётганлиги сир эмас.

Бугунги кунда дунёда «Кока-кола»нинг 200та компанияси мавжуд бўлиб, «Тошкент ЛТД» қўшма корхонаси ҳам ана шу жамоанинг муносиб аъзосидир. Мазкур Ўзбекистон — Америка қўшма корхонаси Қибрайдаги «Роҳат» ҳиссадорлик жамияти (Қибрай яхна ичимликлар) корхонаси базасида барпо этилди. Шундай қилиб, республикамизда «Кока-кола» ишлаб чиқариш ҳажми икки баробарга ошди ва у бир йилда 40 миллион деколитрни ташкил этди.

Бугун қайси дўконга кирманг, бежирим шишаларда ҳамда бир ярим литрлик полимер идишларда ишлаб чиқарилган, пештахталарни тўлдириб турган «Кока-кола»ларга кўзингиз тушади. Ушбу ичимликлар ўз ҳудудимизда ишлаб чиқарилаётганлиги қандай қувончли!

Абдулатиф БЕКМУРОДОВ.

Мулоҳаза

«ОЧИРИТ» БАЛОСИДАН ҚУТУЛИШ МУМКИНМИ?

Америкалик сармоядор 20-йилларда ҳамкорлик учун Масковга келган ва кўчадан ўтатуриб, бир ерда одамлар навбатда туришганига кўзи тушиб, «Булар нега турибди?», деб сурайди. «Қалам олишга навбатда туришибди», деган жавобни эшитиб сармоядорнинг капалаги учади, «Одамлар қалам олиш учун ҳам навбатда турадими?», деб тез орада қалам заводи қуриб беради.

Мана, шунақа! Етмиш йилдан ортиқроқ совет даврида яшаб «очирит» деган сўзга, ҳодисага шунчалик ўрганиб кетдикки, усиз ҳаётни тасаввур қилолмайдиган бўлиб қолдик. Бу сўз тилимизга, дилимизга шунчалик ўрнашиб қолгандики, ўзбекча «навбат» деганимиз билан ўхшамас, кўнглимиз тўлмасди. Қаёққа борма «очирит, очирит, очирит».

Биз ҳам давлат мулкини хусусийлаштириб, сармоядорликка қўл урдик, «очирит» деган балоли азимдан анчагина қутулиб қолдик ҳам. Лекин кўнгилдагидек қутулишга ҳали вақт бор экан, айниқса, хизмат кўрсатиш соҳасида, турли маҳкамаларда «очиритбозлик» ҳамон гуллаяпти! Айниқса, унинг бир тури борки, ҳам куласиз, ҳам куясиз: давлатга пул тўлаш учун навбат кутиш кўп. Бу қандай исрофгарчиликки, одамлар ўз умрининг бир қисмини давлатга пул тўлаш учун навбатларда қуйдириб юборсалар! Давлатга пул тезроқ келиб тушгани яхши эмасми? Ахир, пул тезроқ айланишига бунинг ҳам таъсири бор-ку. Шундагина қанчадан-қанча корхоналарда одамлар маошни ўз вақтида олишини ҳаммаям тушунади-ку! Одамлар навбатда туришдан безиб электр, коммунал хизмат, телефон пули, турли солиқлар ва бошқа кўпдан-кўп тўловларни кечиктириб юборяптилар. Бироқ, тўламасдан илож борми? Тўлайди. Бир вақт топади-да, ишини, тирикчилигини бир четга йиғиштириб қўйиб, матонат билан «очирит»га туради. Ана энди, у одамнинг ишхонасидаги вазифаси ёки тирикчилиги нима бўлганини тасаввур қилаверинг! Жамият учун фойдали биронта иш қилиш ўрнига навбатларда саргайиб туришдан кимга фойда-ю кимга зиён!

Муайян мисолларга ўтайлик. Қайси бир кирим кассасига қачон борманг, навбат йўқ ҳолатни учратиш қийин, доимо одамлар навбатда турганг устидан чиқасиз. Ёки телефон хизмати учун пул олган махсус кассалар алоқа тармоқларида бор. Бир эмас, бир нечтадан кассир пул олавериб ниҳоясига етолмайди. Вақт топганлар, сабри чидаганлар кассирни ишсиз қолдиришмайди. Шошиб «Э, кейин келарман», деб кетиб қолганлар қанча! Бу ёқда телефон алоқаси ва радиолаштириш ишлаб чиқариш бирлашмаси газеталарда эълон босади: «Ҳурматли абонентлар! Телефонни учириб ёки узиб қуймаслигимиз учун хизмат ҳақини ўз вақтида ва тўлиқ тўлашингизни сурайміз». Пул тўлашга келган одамни эса навбатда туришдан ташқари яна ҳар хил ноқулайликларга дучор қилишади.

Кези келганда телефон тармоғига тегишли иккита идора (шаҳар ва шаҳарлараро идоралар) бетартиблик ва хизмат кўрсатиш маданиятининг пастлиги, сансалорлик бўйича энг «илғори», десак хато бўлмайди.

Хўш, нима қилиш керак? Ривожланган мамлакатлардаги каби пул муомаласини, унинг устида бўладиган амалларни компьютерлаштириш керак. Аммо буям ўз навбатида катта муаммо: техника етишмайди, ташкилий маҳорат, уюшқоқлик, интизом, қолаверса, маданият, ҳалоллик керак. Телефон тармоқлари идораларида компьютерлар етишмайди, деб ҳам бўлмайди, уларда етарли. Ҳатто абонентларга хизмат кўрсатадиган овозли компьютер (робот) ҳам бор. Лекин телефонингиз ишламай қолса, сиздан буюртма қабул қилиш ўрнига ҳеч ким жавоб қилмайдиган телефон рақамини рўкач қилади. Бугун пул тўлаб келсангиз эртага уйингизга қўнғироқ қилиб «Қарзларингизни тўланг, акс ҳолда телефонингизни узиб қўямиз!» деб дўқ уради ва буни ҳар куни такрорлайди. Компьютер билан ишлайдиган ходимларда, катта-ю кичик барча раҳбарларда эса одамларга бегараз хизмат кўрсатиш учун озгинагина истак билан оддийгина маданият бўлиши керак-да.

«Очирит»ни қисқартириш учун истак билан маданиятдан ташқари ҳисоб-китоб ҳам зарур, албатта. Ривожланган мамлакатлардаги олимлар, саноатчилар ва ишбилармонлар диққат-марказида турадиган бир назария бор: уни навбатлар назарияси дейишади. Шуниси қизиқки, бу назария асримиз бошларида телефон тармоқлари ишини яхшилаш жараёнида дунёга келган. Унинг моҳияти хизмат кўрсатаётган техника ёки одам бекор туриб қолиши билан, хизматталаб буюм, машина ёки одамлар навбатда туришини жамлаб энг кам даражага олиб келишдан иборат. Бошқача айтганда, назариянинг мақсади—ишни сих ҳам, кабоб ҳам қуймайдиган қилиб ташкил этиш. Бунда вақт тушунчасини пул билан ҳам ўлчашга тўғри келади. Бугун дунёда шундай қилишади. Биз ҳам одамгарчиликни унутмаган ҳолда вақтни сўм билан ўлчашни ўрганишимиз керак.

Навбатлар назарияси билан қуролланиб одамларга хизмат кўрсатадиган ҳар қандай соҳанинг ишини яхшилаш мумкин. Фақат бир нарсани унутмаслик керак: хизмат кўрсатадиган одамнинг вақтидан кўра навбат кутадиган одамнинг вақти қимматлироқ. Биринчисининг «нархи» фақат унинг маоши билан ўлчанса: иккинчисиники—маошдан ташқари иш жойида келтирадиган даромади ва қолаверса, соғлиғи билан ўлчанади.

Навбатлар назарияси математика фанлари сирасига киради ва Ўзбекистонда бу фан билан шуғулланадиган талайгина олимлар бор. Улар машҳур математик олимимиз, марҳум академик С. Ҳ. Сирожиддинов яраттан мактабда таҳсил олганлар, ўзлари ҳам қатор шогирдлар етиштирганлар. Бу назария иқтисодчилар томонидан илмий тадқиқотларда қўлланиб келинади. Энди мустақил мамлакатимизнинг катта одимлари, янгича шароити ундан амалиётда самарали фойдаланишни тақозо этади. Шундагина «очирит» деган балоли азимдан қутулишимиз муқаррар!

Қудрат ДЎСТМУҲАМЕДОВ.

Спорт

ЎРИНБОСАРЛАР ОРАЛИҚ МАРРА ЙЎЛИДА

Олий лига футбол жамоалари мамлакат миллий чемпионатининг дастлабки давраси ўйинларини якунлаб, довон ошдилар. Улар 11 августга қадар дам олишади. Зеро, футболчи учун дам олиш бошқа мақсадларда курашиш билан ўлчанади. Хусусан, кеча бошланган Ўзбекистон кубоги учун чорак финал учрашувларида иштирок этиш шундан нишона. Майдонга «Нефтчи» — «Нурафшон», «Чилонзор» — «Пахтакор», МҲСК — «Трактор», «Навбаҳор» — «Дўстлик» жамоалари тушдилар. 4 август куни бўладиган такрорий ўйинлардан кейин ярим финалчилар аниқланади. Қуйида эса олий лигачиларнинг 15-тур учрашувларидан бехабар қолган мухлисларга ўйинлар қандай ўтганини маълум қиламиз.

«Динамо» (С) — «Навбаҳор» — 2:3, «Трактор» — «Дўстлик» — 0:1, «Янгиер» — «Динамо» (У) — 4:1, «Наврўз» — «Пахтакор» — 0:3, МҲСК — «Нурафшон» — 3:2, АСК — «Нефтчи — 2:2, «Суғдиёна» — «Косонсой» — 1:1, «Машъал» — «Атласчи» 3:0, Навбаҳорчилар 41 та очко билан пешқадам бўлиб туришибди.

Олий лигачиларнинг асосий ўринбосарлари ҳисобланган биринчи лига жамоалари эса 16 августда оралиқ маррага етадилар. 24-тур ўйинларидан кейин «Чилонзор» 55 та очко билан карвонбошилик қилмоқда. «Зарафшон» ҳисобида 54 та очко бор. Шаҳрихон футболчилари 47 очко тўплашган.

Сурайё АҲМАДЖОНОВА.

СОҒЛИҒИНГ ҚАДРИГА ЕТ

Пештоқига «Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш Бош бошқармасига қарашли шифохона — сиҳатгоҳ даволаш бирлашмаси» деб ёзилган дарвозадан ҳовлига киришингиз билан кўзингиз турфа гуллар очилган гулзорга тушади. Қўлига ток қайчи ушлаган боғбондан бош шифокор хонасини сўрадик.

— У киши боғдалар. Ҳув кўряпсизми? Оқ халатлиси раҳбаримиз...

У киши билан танишдик.

— Хонага борсак, — йўл бошлади у. Йўл-йўлакай суҳбатлашдик. Сиҳатгоҳ 1934 йилда очилган экан. Мен ўша давр шифокорларига қойилман. Нега дейсизми? Шифохона учун яхши жой танлашган. Бўзсув яқин, шабадаси эсиб туради. Бир тарафимиз Ялангоч қишлоғининг боғларига уланиб кетган. Боғимизни кўряпсизми, турфа хил мевалар экилган. Бу ерда сил билан оғриган беморлар даволанишади, дам олишади.

Ҳозирги иқтисодий қийинчиликлар даврида дори-дармон масаласи қандай ҳал этилаётганини сўрадик.

— Бизда бу муаммо асосан ҳал бўлган. Шаҳар Соғлиқни сақлаш Бош бошқармаси ёрдамини аямаётир. Яна шуни ҳам айтайки, боғимиздаги мевачевалар асосан беморлар учун. Ёрдамчи хўжалигимиз ҳам бор. Шу туфайли кучли парҳез овқатлар асосан янги сўйилган мол гўшти, тупидан узилган сархил сабзавотлардан тайёрланади.

Гап билан бўлиб даволаш бўлимига ҳам етиб келдик. Ҳаммаёқ саранжом-саришта. Йўлакларга турфа ранг гуллар қўйилган. Бош шифокор ўринбосари Сурайё Иноятовани суҳбатга чорладик.

— Даволаш ишлари бўйича муовин бўлганим учун беморлар энг аввало менинг қўлимдан ўтади. Тезда уларга тиббий ёрдам берамиз. Айниқса бўлажак оналарни ҳеч назардан қочирмаймиз. Бу ўринда Мирзо Улуғбек тумани ҳудудий тиббий бирлашмаси бизга яқиндан ёрдам беряпти. Узоққа бормайлик, бемор Жўра Аширметов ўпкадан қон кетиш билан келтирилганди. Ўзлари қабулимда ўтирибдилар. Гаплашишингиз мумкин.

Беморни гапга солдик.

— Бу ерга олиб келишгандаги ҳолатимни кўрсангиз раҳмингиз келарди. Мана кўриб турибсиз, яхшиман. Раҳима Расулова, Дариҳа Ҳудойберганова сингари қўли енгил, меҳрибон шифокорлардан бир умр миннатдорман. Умримнинг қолган қисмида уларни доимо дуо қилиб юраман.

Яна бир бемор Сапура Самарова билан ҳам суҳбатлашдик.

— Менинг дардга чалинганимга анча бўлганди. Унга дармон тополмай армонда эдим. Худога шукрлар бўлсинки, болаларим бахтига тузалиб қолдим. Шифокорлар, айниқса Муҳайё опа Сиддиқова ва Арофат Ориповадан миннатдорман.

— Бу рўйхатни давом эттириш мумкин, — гап бошлади бош шифокор Шукур Толипов. — Доно халқимизда «Соғлиғинг қадрига ет, хаста бўлмасдан бурун» деган нақл бор. Ҳар бир фуқаро жонажон мамлакатимизнинг равнақи йўлида меҳнат қилса дейміз.

Ниятингиз йўлдошингиз бўлсин. Доимо хасталар бахтига омон бўлинг, жонфидо шифокорлар.

Юнус ЗИЁДОВ,
Мунира АЗИМОВА.

СУРАТДА: бош шифокор Шукур Толипов ҳамкасблари Сурайё Иноятова, Қўрқмас Камолов, Муҳайё Сиддиқовалар билан.

Владимир МОЛГАЧЕВ олган сурат.

МАНГУЛИК

1. АМИР ТЕМУР РУҲИ ДУНЁ КЕЗМОҚДА

Бугун соҳибқирон Амир Темур руҳи дунё кезмоқда.

Аммо унинг азамат руҳи машъум шўро замонидагидек безовта чирқираб эмас, аксинча, ўз хотираси ва шаънашавкатига она Ватанида намоён бўлаётган чексиз иззат-икром, фарзандлик эҳтироми туфайли бутун жаҳонда унга кўрсатилаётган ҳурмат-эътибордан мамнуну масрур бўлиб, олам узра шодмон парвоз қилмоқда.

Ҳаётда шундай воқеалар бўладики, улар кишилик жамияти тараққиётида, онгу тафаккурида кескин бурилишларни бошлаб беради. Ана шундай ҳодисалар йиллар мобайнида бир қолипга тушиб қолган, турмуш тарзига айланган, кўникма ҳолатларни буткул ўзгартириб юборади.

Биз бундай ҳодисалар ҳақида бежиз гапирмаяпмиз. Мустақиллик даврида Ўзбекистонда олиб борилаётган туб ислоҳотлар, унинг ҳуқуқий, иқтисодий-сиёсий ва маънавий асослари беихтиёр шу ҳақда фикр юритишга ундайди.

Ҳеч иккиланмасдан айтишимиз мумкинки, Ўзбекистонда амалга оширилаётган ишлар абадиятга дахлдордир. Айни ишларда, табиийки, миллий-маънавий қиёфамиз, ўзига хослигимиз мужассам этмоқда.

Ўзбекистонда юз бераётган туб ўзгаришларга жаҳон жамоатчилиги—ишбилармонлар, сармоядорлар қаторида олиму уламолар, фозилу фузалолар, сиёсат ва давлат арбоблари ҳам алоҳида эътибор билан қарамоқда, ҳар томонлама кузатиб, ўрганмоқда. Шуни очиқ айтиш керакки, ҳар қандай ислоҳотнинг нечоғлик самарали бўлиши ёки бўлмаслиги, унинг тарихий аҳамияти бевосита давлат раҳбарининг дунёқараши, оғир пайтларда энг мақбул ва энг тўғри йўналишни тез англаб олиш қобилиятига боғлиқдир. Чунки жамият ва инсоният тараққиётида шахснинг роли—раҳбарнинг маънавий, ижтимоий-сиёсий баркамоллиги, мақсад ва ғоялари муҳим аҳамиятга эга. Жаҳон жамоатчилиги мамлакатимиз бош ислоҳотчисининг ана шундай айни фазилатларини кузатиб, баҳолаб, биз билан турли соҳаларда ҳамкорликка киришади.

Ўзбекистоннинг янги тарихий шароитларда ўз тараққиёт йўли, ижтимоий-сиёсий жараёнларнинг боришига ўз муносабати, дунёвий муаммолар ва умуминсоний масалаларни ҳал этишда ўз мустақил фикри, ҳар томонлама пухта асосланган хулосалари мавжуд. Унинг раҳбари эса тарихан жуда қисқа фурсатда беқиёс ислоҳчилик қобилиятини, илму шижоатини намоён эта олди ва айни пайтда дунё аҳлига ҳозирги замон муаммоларига чуқур ва изчил, оқилона ёндашадиган сиёсат ва давлат арбоби сифатида танилди.

Ҳукуматнинг маърифат ва маданиятга ҳомийлиги, энг аввало иқтисодий ислоҳотларнинг маънавий асосларини яратиш каби тамойиллари ҳозирги замон жаҳон тараққиётининг энг илғор тажрибаларга ғоят мос келади. Маънавий етук, ақлан баркамол одамгина ҳар қандай ислоҳотларни амалга оширишга қодирдир. Халқи ислоҳотлар моҳиятини чуқур англаган, ижтимоий-сиёсий жараёнларни ўз вақтида баҳолай оладиган мамлакатда ҳар томонлама барқарорлик ҳукм суради.

Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 660 йиллик тўйи нафақат бизнинг тарихий, маданий ва маърифий байрамимиз, балки дунё маърифий оламида катта воқеадир. Бу қутлуғ сананинг халқаро миқёсда кенг нишонланиши шундан далолат беради. Ахир тарихий меросга ҳурмат одамзотга қудрат ато этиши ва олижаноб туйғуларга бошлаши,

①

ақл-заковатининг тўкислиги ўтмиш меросни нечоғли ўзлаштирганига боғлиқлиги исбот нораво ҳақиқатдир.

Шунинг учун ҳам Президентимиз Ислом Каримов: **«Маърифатли Мовароуннаҳр руҳи, темурийлар даврида фан ва санъатнинг гуллаб-яшнагани, Европада уйғониш жараёнига ҳаётбахш таъсир этганини, умумжаҳон тараққиётига кўмаклашганини англаб фахрланамиз.**

«Сиёсатда маслаҳат, мулоҳазакорлик, ўйлаб иш қилиш қурол кучидан кўра ўн баравар фойдалироқдир», деган доно сўзлар Амир Темурга мансубдир. Бу сўзлар ҳозирги тилда низоли масалаларни сиёсий мулоқот, оғоҳлантирувчи дипломатия йўли билан ҳал қилишни билдиради.

Амир Темурнинг тарихий хизмати яна шундан иборатки, унинг ҳаракатлари туфайли Осиё ва Европа давлатлари тарихда биринчи марта ягона жуғрофийсиёсий маконда эканликларини ҳис этди», деганида айни шу нуқтаи назарни ифода этган эди.

Бу фикр жаҳон маданиятининг сарвари саналган Париж шаҳрида, Ўзбекистон маданияти кўргазмаси очилиш маросимида, соҳибқирон Амир Темур юбилейининг ЮНЕСКО қарорғоҳида нишонланаётган дақиқаларда айтилганлиги ҳам сиёсий, ҳам маънавий жиҳатдан жуда катта аҳамият касб этди. Буни нималарда кўриш мумкин?

Биринчидан, Амир Темур XIV асрдаёқ мамлакатлараро ва минтақалараро муносабатларни чуқурлаштириш асосида инсоният тараққиётини жадаллаштириш зарурат эканлигини кўрсатиб берди. Жумладан, у Европа ва Осиё давлатларини ягона иқтисодий маконга бирлаштиришга ҳаракат қилган. Темур барпо этган буюк салтанат ўша даврлардаёқ том маънодаги интеграцияни ишлаб чиққан ҳамда Буюк ипак йўли ўтган мамлакатлар ўртасида маданиятлар мулоқотини бошлаб берган эди.

Иккинчидан, Амир Темурнинг давлат тизими ва бошқарувни ташкил этишдаги ўзига хос мактаби адолатли, инсонпарвар жамиятни қарор топтириш кераклигини уқтиради. Бунда қонун устуворлигига эришиш, қонун олдида барчанинг тенглигини таъминлаш тамойиллари муҳим ўрин тутади.

Учинчидан, Амир Темурнинг давлатчилик тамойиллари бевосита ўз тафаккур кучига, ўз фикрининг тўғрилигига, ақл-идрок салоҳиятига, тактика ва стратегиясининг пухта, ҳаётий ва яшовчан эканлигига қатъий ишонч асосида шаклланган эди. Бу бевосита унинг давлат ва сиёсат арбоби сифатидаги тўлақонли сиймосини, бетакрор шахс сифатидаги ноёб иқтидорини, феъл-атворини, иродаси ва олисни кўра олиш қобилиятини кўрсатади.

Тўртинчидан, Амир Темур салтанати юксак маънавият ва олий даражадаги маданиятга йўғрилган салтанат эди. Буни соҳибқироннинг фарзандларига қолдирган васият сўзларида ҳам кўриш мумкин:

«Ўғилларим, миллатнинг улуғ мартабасини, саодатини сақламоқ учун Сизларга қолдираётган васият ва «Тузуклар»имни яхши ўқинг, асло унутманг ва татбиқ этинг.

Миллатнинг дардларига дармон бўлмоқ қутлуғ вазифангиздир. Заифаларни қўринг, йўқсилларни бойлар зулмига ташламанг. Адолат ва озодлик—дастурингиз, раҳбарингиз бўлсин. Мен сингари узун салтанат сурмак истасангиз қиличингизни яхши ўйлаб чекингиз. Бир дафъа чеккандан сўнгра-да уни усталик-ла қўллангиз. Орангизда нифоқ тухумлари экилмаслиги учун кўп диққат бўлинг. Баъзи нодимларингиз ва душманларингиз нифоқ тухумлари сочмакка, бундан фойдаланмакка чалишажакдурлар. Фақат васиятимда Сизга идора шаклини, унинг илкуларини кўрсатдим. Буларга содиқ қолсангиз тош асло бошингизга

②

тушмас».

Амир Темур қадрияти, унинг жаҳон давлатчилиги ва бошқарувида қолдирган буюк мероси, тажрибалари шу билангина чекланмайди. Айни пайтда у сиёсатда инсонпарварлик, жамиятда адолат тантана қилиши учун курашди, эркинлик ва инсоннинг яшаш ҳуқуқи сингари ноёб қадриятларни, таъбир жоиз бўлса, юксак мақомга кўтарди ва уни янги мазмун билан бойитди. Унинг ҳаёт дастури бўлмиш «Тузуклар» бунга гувоҳлик беради:

«—Азму жазм билан иш тутдим. Бирон ишни қилишга қасд қилган бўлсам, бутун зеҳним, вужудим билан боғланиб, битирмагунимча ундан қўлимни тортмадим.

—Яхшиларга яхшилик қилдим, ёмонларни эса ўз ёмонликларига топширдим. Ким менга дўстлик қилган бўлса, дўстлиги қадрини унутмадим ва унга мурувват, эҳсон, иззат-икром кўрсатдим.

—Ҳар бир шаҳарда масжидлар, мадрасалар, хонақолар қуришни, мусофир йўловчилар учун йўл устига работлар бино қилишни, дарёлар устига кўприклар қуришни буюрдим.

—Ҳеч кимдан ўч олиш пайида бўлмадим. Тузимни тотиб, менга ёмонлик қилганларни парвардигори оламга топширдим. Софдил кишилар, саййидлар, олимлар ва фозилларга даргоҳим доим очиқ эди. Нафси ёмон ҳимматсизларни, кўнгли бузуқ кўрқоқларни мажлисимдан қувиб юбордим».

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Амир Темурнинг олижаноб сиёсати, эзгулик йўлидаги ишлари дунёнинг ҳеч бир давлат арбоби ёки саркардалари фаолиятида бу даражада мукаммал, ёрқин ва баркамол тарзда кўзга ташланмайди. Унинг фаолияти, зиддиятларга тўла ҳаёти биргина «Тузуклар»нинг ўзида шу қадар тиниқ, шу қадар рангин ва жозибали ифода этилганки, соҳибқироннинг оддий инсон, оила бошлиғи, ота ва давлат арбоби сифатидаги тенгсиз фазилатлари, изтироблари, қувонч ва андуҳлари кўз олдингизда ёрқин гавдаланади.

Амир Темурнинг 660 йиллик тўйи муносабати билан Францияда ўтказилган тантаналар қадимий Турон заминда инсонпарварлик ва маданиятнинг илдизлари ғоятда чуқур эканлиги, бугунги Ўзбекистон эса ана шу мустаҳкам пойдеворга таяниб дунё муаммоларини ҳал этишнинг ўзига хос мактабини яратаётганини яққол кўрсатади. Қадимий Турон ва бугунги Ўзбекистон давлатчилигидаги узвийлик, ворисийлик, бошқарувдаги уйғунлик унинг имкониятлари ниҳоятда кенглигидан дарак беради. Буни Ўзбекистоннинг жаҳон маданияти, фани ва санъати билан, хусусан, ЮНЕСКО билан қалин ҳамкорлигида ҳам кўришимиз мумкин.

ЮНЕСКО жаҳонда маърифат ва маданиятни асрайдиган, инсон тафаккури маҳсулларини қўллаб-қувватлайдиган, ҳимоя қиладиган нуфузли халқаро ташкилотдир. У ўзбек халқининг атоқли давлат арбоби Амир Темурга, юлдузлар илмининг султони Улуғбекка ва бошқа ўнлаб олиму уламоларига, мутафаккирларига, бой меросига мислсиз қизиқиш ва алоҳида эътибор билан қарамоқда. Миллат сифатида ўзбекни, давлат сифатида Ўзбекистонни ҳар жиҳатдан эътироф этмоқда.

Халқимизда «Қарс икки қўлдан чиқади», деган гап бор. Ўзбекистоннинг ЮНЕСКОга бўлган муносабати ҳам ана шундай мазмунга эга. Табиийки, бу муносабатларнинг боғланиши ва мустаҳкамланишида Президент Ислом Каримовнинг ҳиссаси беқиёсдир. Ўзбек халқи, Ўзбекистон маданий жамоатчилиги ЮНЕСКО Бош директори жаноб Федерико Майорнинг маърифат ва маданиятга беқиёс ҳомийлигини ҳурмат қилади. Давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг махсус Фармони билан унга яқинда мамлакатимизнинг юксак мукофоти—»Дўстлик» ордени берилгани

③

ана шу эҳтиромнинг яна бир далилидир.

Жаноб Федерико Майор юртимиз ҳақида ҳамиша ҳаяжон билан ҳикоя қилади. Шу маънода унинг ушбу хотиралари айниқса эътиборга моликдир:

«Самарқанд, Бухоро ва Хевага қилган сафарим ҳаётимдаги ҳаяжонли дамларим бўлди,—деб ёзади у.—У ерлар эртаклардаги каби афсонавий ва тарихий жойлардир.

Мен «Ипак йўли» шу жойлардан ўтиб, маданиятлар ва динларнинг бир-бирига кириб келишига ва Шарқ билан Ғарбнинг мулоқотига кўмаклашганини тасаввур этишга ҳаракат қилдим. Мен борган жойлар инсоният тақдирининг чорраҳалари ўтган буюк шаҳарлар эди.

Энди биз ана шу тарихий ҳолатларни инобатга олган ҳолда «Ипак йўли» тинчлик ва мулоқот йўли сифатида хизмат қилишини давом эттиришга кўмаклашмоғимиз лозим».

Бу Ўзбекистоннинг жўғрофий-сиёсий жиҳатдан ҳам, тарихий-маданий ва маънавий жиҳатдан ҳам жаҳон ҳамжамиятида тутган беқиёс нуфузига, халқимиз тафаккурига берилган холис баҳодир. Зеро, илғор фикрли одам ҳам тарихий, ҳам ўз даври бойликларидан бирдек баҳраманд бўла олади.

Соҳибқирон Амир Темур тўйи ЮНЕСКО қарорғоҳида нишонланаётганида ва Ўзбекистон маданияти кўргазмаси очилиши маросимида Франция Президенти Жак Ширакнинг қатнашиши (бу белгиланган дастурда йўқ эди) Ўзбекистон, ўзбеклар ва уларнинг беқиёс маданиятига бўлган эътиборнинг, юртимизнинг давлат сифатида энг илғор мамлакатлар қаторидан жой олаётганининг далилидир.

Яқинда жаҳон интеллектуал мулк ташкилотининг (ЖИМТ) Бош директори Арпад Богшдан мамлакатимиз Президенти номига мактуб келди. Унда, жумладан, шундай сатрлар бор:

«Жаҳон интеллектуал мулк ташкилотининг Бош директори сифатида Сизни, сэр, Ўзбекистонда интеллектуал мулк ҳуқуқлари ҳомийси сифатида жаҳон интеллектуал мулк ташкилотининг олтин медали билан мукофотлашга қарор қилганини маълум қилиш менга мамнуният бахш этади.

Сиз ЖИМТ олтин медалига сазовор бўлган биринчи давлат бошлиғисиз. Бу илмий ва технологик, ихтирочилик фаолиятига кўмаклашишга, шунингдек, мамлакатингизнинг ЖИМТ билан ҳамкорлигига шахсан қўшган буюк ва ижодий ҳиссангизга билдирилган эҳтиромдир. Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришганидан сўнг, Сиз саноат мулки тўғрисида тегишли қонун ҳужжатлари қабул қилиш, саноат мулки миллий тизимини барпо этиш ва ривожлантириш зарурлигини англаб, ЖИМТ доирасида энг муҳим халқаро шартномалар тузишда алоҳида донолик ва зийраклик кўрсатдингиз».

Бу мукофот ақл-зиё соҳасида Ўзбекистоннинг тутган ўрни ва салоҳияти, бизнинг қадимий маданиятимизга ва жаҳон маърифатини ривожлантиришга қўшаётган, интеллектуал мулкни асраш, ҳар томонлама бойитиш борасида олиб бораётган ишларимизга берилган муносиб баҳодир. Ўзбекистон нафақат ишлаб чиқариш имконияти, табиий бойликлари, балки беқиёс ақлий ва бой яратувчилик имкониятлари билан ҳам дунё аҳли диққатини тортмоқда. Янги аср остонасида, дунё маърифат сари янги қадам ташлаётган даврда Ўзбекистоннинг маданият ва маърифат равнақини таъминлаш борасидаги эътибори ўз самарасини бермоқда. Шу билан бирга жаҳон жамоатчилиги Ўзбекистоннинг инсоният тақдирини белгиловчи муҳим омил сифатида фан, маданият ва маърифат равнақига кенг йўл очиб бераётганини эътироф этмоқда.

Нарзулла ЖЎРАЕВ.

(Давоми келгуси сонда).

④

ДУНЁ ВОҚЕАЛАРИ

ЯНГИЛИКЛАР, ХАБАРЛАР, ФАКТЛАР

Олам ўзгаришлари

КУН ТАРКИБИДА — КАСАЛЛИКЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ МУАММОСИ

• ЖАКАРТА. Индонезиянинг Бали шаҳрида кўкрак касалликлари бўйича халқаро тиббиёт конгресси бўлиб ўтди. Унда Осиё-Тинч океани ҳудудидаги 14 мамлакатдан келган 1000 нафардан зиёд тиббиёт ходими иштирок этди.

Конгресс қатнашчилари бир ҳафта давомида инсониятга жиддий хавф солаётган ўпка раки ва бошқа касалликларни олдини олиш муаммоларини муҳокама қилдилар.

Анжуман иштирокчиларининг фикрича, атроф-муҳитнинг ифлосланиши ва дунё миқёсида кашандалар сонининг ортиб бораётгани мазкур касаллик тез тарқалишига сабаб бўлаётир.

НЕТАНЬЯХУ ФИКРИНИ КЎПГИНА ДАВЛАТЛАР РАД ЭТМОҚДА

• ЛОНДОН. Жаҳон оммавий ахборот воситалари вакиллари Исроил Бош вазири Биньямин Нетаньяхунинг Америка Қўшма Штатларига сафарини кенг шарҳламоқда.

Буюк Британияда чиқадиган «Таймс» газетасининг ёзишича, Исроил ҳукумати раҳбари Вашингтонда, Исроил яқин йиллар ичида иқтисодий жиҳатдан кучайиб, ҳатто, Америка ёрдамига ҳам муҳтож бўлмайди, деб баёнот берган.

Лекин, Биньямин Нетаньяхунинг Яқин Шарқ можароларини тинч йўл билан ҳал этиш борасидаги фикри ва Европа давлатларини Эрон ва Ироқ билан ҳамкорлик қилишни тўхтатишга чақиргани кўплаб давлатлар томонидан рад этилмоқда, деб ёзилади шу мавзуга бағишланган мақолада.

КАМБОДЖАГА 100 МИЛЛИОНЛИК ЁРДАМ БЕРИЛАДИГАН БЎЛДИ

• ТОКИО. Япония Ташқи ишлар вазирлиги мамлакат ҳукумати фуқаролар уруши туфайли иқтисодиёти вайрон бўлган Камбоджага жорий йилда қарийб 100 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ беришга қарор қилгани ҳақида баёнот берди.

Айни кунларда Токиода Камбоджага ёрдам бериш бўйича халқаро конференция ўтказилмоқда. Унда 16 мамлакат делегацияси аъзоларидан ташқари, ўнга яқин йирик халқаро ташкилотлар вакиллари иштирок этмоқда.

Анжуман қатнашчиларининг ҳисоблашича, жорий йилда Камбоджага 500 миллион АҚШ доллари миқдорида иқтисодий ёрдам керак экан. Бундан ташқари мамлакат ҳудудини миналардан тозалаш учун икки йил давомида камида 16 миллион АҚШ доллари миқдоридаги маблағ талаб қилинади.

ИККИ ТОМОНЛАМА БИТИМ ИМЗОЛАНДИ

• ТАЙБЭЙ. ХХР ва Тайван ўртасида Жанубий Тайван бўғозидаги нефть заҳираларини ўзлаштириш бўйича икки томонлама битим имзоланди. Мазкур битимнинг имзоланиши Хитой ва Тайван аҳолиси томонидан кенг хурсандчилик билан қарши олинди.

Маълумки, 1949 йили ХХР ҳукумати Хитой корхоналарига Тайван билан ҳар қандай тўғридан-тўғри иқтисодий алоқани ман этган эди. Ўзаро ҳамкорлик бўйича мазкур битимнинг имзоланиши, оммавий ахборот воситалари вакиллари томонидан эски қонун маънавий эскиргани сифатида баҳоланмоқда. Жумладан, ҳужжат остига қўл қўйган ХХР ҳукумати вакилининг фикрича, мазкур битим икки мамлакат муносабатларига ҳалал бериб келган тўсиқни олиб ташлади.

(Жаҳон ахборот агентликлари ва газеталаридан олинди).

ҚИСҚАЧА АЙТГАНДА...

• *Америка Қўшма Штатлари Чеченистонда ҳарбий ҳаракатлар яна бошланганидан ташвишга тушмоқда. Улар томонларни ҳарбий ҳаракатларни кучайтирмасликка даъват этишаётир. Бу ҳақда давлат департаментининг расмий вакили Н. Бернс хабир берди.*

***

• *«Вашингтон пост» газетасининг маълумотларига кўра ўтган йили АҚШнинг федерал судлари ҳуқуқни ҳимоя қилиш органларига 672 та телефон сўзлашувларини эшитиб туришга рухсат берди. Бу рақам Жорж Буш маъмурияти раҳбарлик қилган 1992 йилдагидан икки баравар кўпроқдир.*

***

• *Куба Америкадан Куба ички авиацияси самолётини душанба куни ўғирлаб кетган офицерни қайтариб беришни ёки уни суд қилишни талаб қилди. Бу офицер самолётни Гуантанамо шаҳридаги Американинг ҳарбий базасига олиб кетганди.*

***

• *Британия банклари Ироқнинг Марказий банкини ва қатор вазирликларини судга берди. Унинг нияти — ушбу мамлакат олган 600 миллион долларлик қарзни қайтариб олиш. Ушбу қарзлар Ироққа Форс кўрфазидаги уруш бошланишидан бир неча йил илгари берилган бўлиб, у 1992 йилда тўланиши шарт эди.*

***

Испаниянинг Альмуньекар (Гранада вилояти) шаҳрида режалаштирилган террорчилик ҳаракатига барҳам берилди. Эрталаб маҳаллий жандармерия бўлимига телефон қўнғироғи бўлди. Унда автобус станцияларининг бирига иккита бомба жойлаштирилганлиги хабар қилинганди. Бироқ ватанпарвар фуқаролар уни хавфсиз жойда портлатишга улгуришган экан.

ҒОФИЛ БАНДАЛАР

Лобан тинч-осойишта, мўъжазгина шаҳарча. Европа маданият маркази ҳисобланмиш Германияда шиддатли дунё тараққиётига «мудроқ» муносабатда бўлгувчи шундай шаҳарчанинг борлиги бироз ажабланарли.

Лобанликлар камтаргина, айтиш мумкинки, дунё воқеаларидан «узилиб» яшайди. Кузатишларнинг кўрсатишича, аҳолининг 83 фоизи ҳанузгача Берлин девори қулаб, Шарқий ва Ғарбий Германия бирлашганидан бехабар экан.

— Янгиликлар бизга одатда шунақа анча кеч етиб келади, — дейди лобанлик 63 яшар қария Вильгельм Форстум. — Ҳаммамиз ўз ҳолимизча яшаймиз. Биз бунақа шов-шув, ўзгаришларга кўпда қизиқавермаймиз ҳам. Катта шаҳарда нима гаплиги биз ғофил бандалар учун унча аҳамияти йўқдек.

Лобандаги бундай осуда турмушни баъзида шиддатли тўлқинлар устида сокин турган қайиққа ўхшатишади. Ҳақиқатан ҳам қиёсга қўшилмай илож йўқ.

Германиянинг Франкфурт шаҳри кўчаларида.

Абдувоҳид ТЎРАЕВ (ЎзА) олган сурат.

7000 ЙИЛЛИК БАНАН

Мюнхен. Асориатиқалар, ноёб буюмлар, қадимий зебигардонлар — улар ўтмиш, кечмишдан сўйлайди. Биласиз. Лекин энг қадимий «мевалар» — антиқа банан ҳақида-чи?

Ҳа, дунёдаги энг қадимий ҳўл мева — «тошга айланган» бананнинг ким ошди савдоси шиддатли тус олди.

Шаҳсини сир тутган одам дунёдаги энг қадимий 7000 йиллик бананни 80.000 долларга сотиб олди.

Зеро, ўтмиш буюмлари ҳамиша бебаҳо. Ҳатто табиат инъоми ҳам бундан мустасно эмас-да!

ЖОНИВОРЛАР ҲАМ ШАФҚАТЛИ

АНГЛИЯ. Кузатсангиз ҳайвонот олами ҳам ўзаро шафқатсиз курашади. Яшаш учун аёвсиз жанг қилади. Лекин табиат ҳамиша мутаносибликни сақлайди. Ҳайвонлар ҳам бир-бирига меҳр-шафқат кўрсатади.

Англиядаги Данстейбл шаҳрида жойлашган ҳайвонлар учун мўлжалланган шифохона ҳақида кўп ўқиганмиз. Бу ерда касалликка чалинган жониворлар нафақат даволанишади, балки уларга махсус ўргатувчи мутахассислар «машғулот дарс» ҳам ўтишади.

Яқинда шифохонада қизиқ ҳолат кузатилди. Берта лақабли маймун етим тулки болаларига оналик қила бошлади. Жажжи тулки болалари Бертани кўрган ҳамон унга қараб чопишади. Берта эса уларни сутли шиша идишдан овқатлантиради. Қизиғи, маймун хўжайин дастлаб тулкичаларни овқатлантирганда «шафқат ҳиссини тарбиялаш» машғулотларини тажриба — амалда кўриб, шунга қўникма ҳосил қилган экан.

Одатда меҳр-мурувват одамгагина хос олий фазилатлигини кўп таъкидлаймиз. Инсон ўзининг бу фазилатини ҳайвонлар феъл-атворига кўчириш ҳақида камроқ ўйлаймиз, холос.

Аслида шафқат ҳисси жониворларгаям хос.

МУҲИМИ МУҲАББАТМИ?

ЧИКАГО. Американи кўпинча эркинлик, озодлик турмуш тарзи деб эътироф этишади. Айниқса, эркин муҳаббат. Тўғри, муҳаббатни эркин ёки мажбурийси бўлмайди. Лекин оила қуришда севгининг аҳамияти нечоғлиқ эканлиги ҳақида баҳс юритиш ўринсиздек. Европада, Америкада, умуман хорижда бу мавзуга аллақачонлар чек қўйишган. Аслида-чи?

Чикаголик руҳиятшунослар 18 ёшдан 28 ёшгача бўлган 1000 нафар эркак ва аёлни сўроққа тутишди, тадқиқот олиб боришди. «Кимни умр йўлдоши қилиб танлардингиз?» Савол-жавоблардан маълум бўлишича, ҳеч ким севги-муҳаббатни таъкидламаган. Барча даромади, ташқи кўриниши, оилавий аҳволи, авлоди, айримлари эса шахсий фазилати, маълумотига қизиқишини айтишган. Ва ниҳоят, тор доирадаги одамларгина бўлажак умр йўлдошининг феъл-атвори ҳақида ўйлашган.

Судьяларнинг фикрича, оила никоҳини бекор қилиш жараёнидан шу нарса маълум бўлдики, муҳаббат асосий ўрин тутмас экан. Сўровлар ҳам бу фикрни тасдиқлади. «Муҳими муҳаббатми?» елка қисишади чикаголик «эркин» одамлар.

ХАНДАЛАР

— Менга турмушга чиқинг, жоним, — деди йигит гап тополмай.

— Яхши, жуда яхши, қачон тўйимиз бўлади, — шошқалоқлик билан деди қиз. Йигит анчагача жимиб қолди.

— Нега мум тишлагандек бўлиб қолдингиз, гапирсангизчи, — бетоқатланди қиз.

— Шундоғам ортиқча гапириб юбордим шекилли?

***

Илмий текшириш институтларининг бирида «Бургаларнинг узоққа сакрашида оёқларининг роли» мавзуида тадқиқот олиб борилади. Тадқиқотчи битта бургани стол устига қўйдида, «Сакра!» деди. Бурга сакради. Ўлчади — 6 метр. Икки оёғини узиб ташлади. «Сакра!» деди. Бурга яна сакради. Ўлчади — 4 метр. Сўнг яна иккита охирги оёғини узиб ташлади ва яна «Сакра!» деди. Сакрамади.

Тадқиқотчи хулосани бундай деб ёзди: «Бурга барча оёқларидан ажралган пайт эшитиш қобилиятини йўқотади».

Шавкат РАҲМОН

Қайтдим ёруғ юлдузларимга



Шавкат Раҳмон оила аъзолари даврасида. А. ТЎРАЕВ олган сурат.

ЯХШИ НИЯТ

Эртага ёмғирлар келади,
гуркираб яшнайди ҳаволар,
ҳулволар келади, ҳулволар,
ойларга етажак наволар.

Эртага болалар баҳайбат
кунларни ўрнидан жилдирар.
Шу қадим дунёнинг шамоли
юрагинг ёнида жилдирар...

Келажак бор ҳали бағрида
юз мингта қуёши порлаган.
Ишонма ҳеч қачон, ишонма
қўлида қуроли борларга.

***

Шавкат Раҳмон деган
бир ўжар шоир,
бир куни қайтадан яраладими?
Ҳаётим маънисини жуда кўп ўйлаб,
сайладим сўзларнинг
сараларини.
Ҳар бир сўз
юз сўзнинг ўрнини босар:
Ватан Халқ Жасорат Кураш Озодлик.
Ҳар бир сўз етади юзта умримга,
ҳар бири бахш этар
руҳимга шодлик.
Ҳозирлик кўраркан буюк сафарга,
пуштиранг пардали минглаб дарчадан
мўралаб ўтирган гўзал сўзларни
қолдириб кетаман энди барчага.
Аслида, атиргул бўйин атрин тараттан
бу ўйноқи сўзлар меникимасдир.
Менга ноёндай зарур,
қиличдай кескир,
заҳардай мард сўзлар бўлсаёқ басдир.
Сайладим сўзларнинг сараларини,
курашлар шамоли кирди назмимга.
Юртимни кезаман, энди ҳар нарса —
эгилган нарсалар тегар ғашимга.
Энди ишлаш керак бу кенгликларда,
токим сўйламасин ёлғонни ҳеч ким,
токим буюк тоғлар салтанатида
эгилган бошларни қиличлар кессин.

ВИСОЛ

Аста-аста эриб боради
нарсаларнинг зарралари ҳам,
икки қушча бир-бирин суяр
япроқларнинг ораларида...
Шаббодалар олиб келади
райҳонларнинг ўткир нафасин,
япроқларнинг ораларида
икки қушнинг бахтиёр саси.
Кеча узун,
хаёлдай узун,
ундан узун қоронғи сукун,
ҳадиксираб тураман фақат,
ногоҳ келиб қолмасайди кун.

БИРОВНИНГ ГУЛИ...

Деворла ўралган ҳовли ичида
ариқча лабига эгилган куйи,
атиргул ўртанар кимни ишқида,
эпкиндан қалтирар,
тўзғиган ўйи.
Эй десам,
атиргул ёмон титради,
тўкилиб кетдими дедим ҳидлари,
нураган деворнинг берги ёғида
бузилган юрагим нозик потради.
Шундоқ гул...
кимсасиз ҳовли ичида,
бегона нигоҳдан титрайди мунча.
Мунчалар ҳокисор кимни ишқида,
авжида очилган,
эмасди ғунча...
шундоқ гул...
ҳалиям боқар ҳаёсиз,
ахир сал яширса дейман дардларин,
эҳ шўрлик,
тобора қуёш аёвсиз,
ҳадемай тўкилар бахмал барглари.
бир ўтли нигоҳдан титрайди ёмон,
журъатли бир қўлнинг садқаси, гули.
Ўзиям гулмисан гул эди аммо
бировнинг гулийди,
бировнинг гули...

ҚУЛОҒИМДА ҚОЛГАН ЙИҒИ

Бир ёмон,
бир узун,
бир ўткир йиғи,
ҳали эр кўрмаган қизлар йиғиси.
Кўмилиб кетаркан тоғ ўкириғи
тўсатдан саннаса
минг қиз йиғилиб.
Момолар йиғлаган ерда йиғлайсиз,
оналар йиғлаган...
буям бир шараф.
Ёрма ўқ сингари тиним билмаган
бу бахтга болалар бўлар мушарраф
Қўшкалла калхат бор ҳамон бошингда,
занжирлар шодаси чирир бўйнингда.
Яйраб кулганмидинг,
асрий дошингдан
яралган илонлар ўйнар қўйнингда?
Бир ёмон,
бир узун,
бир ўткир йиғи
водий шамолида келар изиллаб.
Бу ёз кечалари йилларнинг тиғи
айланиб-айланиб юрар ичимда.
Кимга сиғиндингиз?
Кимни кўрдингиз?
Неча қатли омлар ўчдими ёддан?
Очилмай узилган гулдай сўлдингиз,
эрларни яширган ерни қучоқлаб...
Ҳали бор,
анча бор,
ҳали кўнгиллар
хўрликни қусгувчи кунларгача бор.
Ҳаром валатларни урчиттан йиллар
жаврини йўқ қилур
битта улкан дод.

Бир ёмон,
бир узун,
бир улкан йиғи,
қайси бир жаврнинг аччиқ тортиғи.
Оҳ, мунча айланар,
мунча тўлғанар
ичимда йилларнинг занглаган тиғи.

***

Қайтдим ёруғ юлдузларимга,
шуълаларга тўлди ҳар оним.
Мени кўриб қўзғалиб кетди
адирларнинг сариқ карвони.

Туманларни қўпорар тоғлар,
гиёҳлар ҳам кўзин ёшлайди.
Ўшнинг кўҳна қучоқларида
кўнглим яна ўса бошлайди.

Мажнунтоллар қўтарар бошин,
яна рақсга тушар тераклар
ва хотиржам яшай бошлайди
мени узоқ куттан юраклар.

Ариқларда товланган шеърга,
япроқларнинг қатига индим.
Оёқларим... ерга ботади,
шу ўлкада ўсарман энди.

***

Бу ерда зангори каптардай
дарахтлар эргашар изимдан.
Ҳатто тош устида юлдуздай
чечаклар уйғонар сўзимдан.

Қартайган қўтаслар подаси
каби жим ўтлаган тоғларим.
Ялангоч жувонлар йиғилган
оқ тунга ўхшайди боғларим.

Мен севиб яшарман умрбод
Булбулдай сайроқи сойларни,
Бағримга босганча қариттум
жувондай тўлишган ойларни.

Бу ерда мен мангу яшарман
нурларни сарфлаб кўзимнинг.
Бировнинг еримас бу ерлар,
ўзимнинг еримдир, ўзимнинг.

ШАҲАР ВА ҚИШЛОҚ ТЕЛЕФОН ТАРМОҒИ АБОНЕНТЛАРИ – РАҲБАРЛАР ВА ФУҚАРОЛАР ДИҚҚАТИГА!

«ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ» КОНЦЕРНИ

Телефон тармоғининг барча абонентлари — корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоа хўжаликлари, давлат хўжаликлари, фермер хўжаликлари раҳбарлари ва фуқароларга

шу йилнинг 20 июлигача телефондан фойдаланиш учун мавжуд қарзни узишларини:

— тариф бўйича ёзилган абонентлик ҳақини тўла миқдорда тўлаш,

— кўрсатилган шаҳарлараро ва ҳалқаро телефон сўзлашувлари учун ҳисоб-китоб қилиш лозимлигини

ЭСЛАТАДИ

Телефон тармоғи хизматларидан фойдаланганлик учун ҳақнинг ўз вақтида тўланмаслиги электроалоқа корхоналарида йирик миқдорда дебитор қарздорлиги ҳосил бўлишига олиб келади, бу эса корхоналарнинг молиявий аҳволига салбий таъсир ўтказади ва олинаётган хорижий асбоб-ускуналар учун тўла хажмда ҳақ тўлашга, шунингдек тармоқни реконструкция қилиш ва ривожлантириш, капитал таъмирлаш ва бузилишларни бартараф этиш ишларига ҳақ тўлашга имкон бермаяпти.

Бу ишларнинг кўламлари сезиларли ошиб бормоқда: хорижий фирмалар иштирокида Ўзбекистоннинг барча вилоятларида ва Тошкент шаҳрида янги, рақамли АТСлар ишга туширилмоқда.

Сизлардан ўз мажбуриятларингизни батартиб бажаришингизни, телефон бўйича кўрсатилаётган хизматларга ҳақини ўз вақтида тўлашингизни қатъий сўраймиз.

Телефонларингизни ҳақи вақтида тўланмаганлиги, мавжуд дебитор қарздорлик учун узиб қўйилиши ёки олиб ташланиши ҳақидаги қарор қабул қилинишига йўл қўйманг.

Ишлаётган телефон — бу, Сизнинг манфаатларингизга хизмат қилади!

«ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ» КОНЦЕРНИ.

"Ўзбекистон овози" газетасига иқтисодий, реклама-ахборот иловаси

ОСИЁ БОЗОРИ

КОРХОНА, ТАШКИЛОТ, ФИРМА РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«ОСИЁ БОЗОРИ»

иқтисодий-ахборот, реклама илова газетаси доимо сизнинг хизматингизда!

«Ўзбекистон овози» газетасининг иқтисодий-ахборот, реклама иловаси — «ОСИЁ БОЗОРИ»нинг ҳам бугунга келиб муштарийлари сони ортиб бормоқда. Хорижий фирмалар ҳамда тадбиркорларнинг рўзнома саҳифаларида чоп этилаётган турли эълонлар ва рекламаларга бўлган қизиқиши эса кучайяпти. Шу муносабат билан газета таҳририяти реклама ва эълонларни инглиз тилида ҳам чоп этишни йўлга қўйди. Яна бир гап: «Осиё бозори»нинг икки нусхасини сотиб олган кишиларнинг хусусий эълонлари бепул чоп этилади. Марҳамат, сиз бу масалада бизга мурожаат қилишингиз мумкин.

Дарвоқе, отахон газета таҳририятида инглиз тилидаги «Ўзбекистон овози — таймс» иловаси ҳам нашр этиляпти. Сиз бу иловада ҳам реклама ва эълонларингизни чоп этишингиз мумкин.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 3-қават, 344-343 -347-хоналар.

Телефонлар: 33-38-55, 33-54-55.

Факс: 33-79-14.

Бош муҳаррир Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати:
Абдулла ОРИПОВ,
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ,
Азамат ЗИЁ,
Азиз НОСИРОВ,
Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб),
Аслиддин БОЛИЕВ (бош муҳаррир ўринбосари),
Ислом ШОҒУЛОМОВ,
Норбобо ШАКАРОВ,
Одилжон ОЛИМЖОНОВ,
Салим АШУРОВ,
Хайрулла ЖЎРАЕВ,
Шуҳрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 33-20-36, 36-54-35.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 33-11-49, 36-54-06.
Иқтисодиёт — 33-21-43, 36-57-22.
Фан ва маданият — 33-07-20, 36-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 33-76-04.
Ахборот ва спорт — 33-12-56, 36-55-16.
Ҳалқаро ҳаёт — 33-47-80, 33-12-16.
Реклама ва эълонлар — 33-38-55, факс — 33-79-14.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Андижонда — 5-27-11;
Бухорода — 3-54-87;
Гулистонда — 2-26-22;
Жиззахда — 3-31-86;
Навоийда — 3-75-43;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Самарқандда — 35-22-90;
Тошкентда — 33-12-56;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 22-36-78;
Қаршида — 3-25-79;
Қумқўрғонда — 5-26-24.

МАНЗИЛИМИЗ:

700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.

Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир Қ. ЭШМАТОВ, навбатчи О. БЕКМУРОДОВА.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00120

Газета офсет усулида А—2 форматида 26.845 нусхада босилди

Ҳажми 2 босма табоқ

«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.

Г — 0363

Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилди — 21.00.

1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА УРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИГА ҚАРАШЛИ

ТОШКЕНТ ҚУРИЛИШ КОЛЛЕЖИ

1996/97 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН ҚУЙИДАГИ МУТАХАССИСЛИКЛАР БЎЙИЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Тошкент қурилиш коллежи икки поғонада мутахассислар тайёрлайди. 1 поғонада ўқийдиганлар техникум дастури асосида ўқиб «Техник-қурувчи», «Иқтисодчи», «Тижоратчи», «Бухгалтер», «Техник-технолог», «Техник-электрик», «Технолог-газ хўжалиги», «Техник-сантехник» мутахассисликларини эгаллайдилар. Ўқиш муддати 1 поғонада 9 йиллик маълумоти билан 3 йилу 4 ой, 11 йиллик маълумоти билан 2 йилу 4 ой. II поғонада ўқийдиганлар учун ўқув муддати 1 йилу 2 ойга узайтирилади ва кичик муҳандис мутахассислигини эгаллайди. Тошкент қурилиш коллежи қуйидаги мутахассисликлар бўйича қабул эълон қилади:

I. КУНДУЗГИ БЎЛИМ.

1. Халқ хўжалиги тармоқларида иқтисод ва режалаштириш (9 йиллик маълумоти билан). Ўқиш ўзбек тилида.
2. Тижорат фаолияти (9 йиллик маълумоти билан). Ўқиш рус тилида.
3. Бухгалтерия ҳисоби (9 йиллик маълумоти билан). Ўқиш ўзбек тилида.
4. Ёгочга ишлов бериш технологияси (9 йиллик маълумоти билан). Ўқиш ўзбек тилида.
5. Бино ва иншоотларни қуриш ва улардан фойдаланиш (11 йиллик маълумоти билан). Ўқиш ўзбек тилида.
6. Бино ва иншоотларнинг электромеханик ускуналарини ва автоматика қурилмаларини ишлатиш (11 йиллик маълумоти билан). Ўқиш ўзбек тилида.
7. Газ таъминоти ускуналаридан фойдаланиш (11 йиллик маълумоти билан). Ўқиш ўзбек тилида.
8. Меъморчилик (11 йиллик маълумоти билан). Ўқиш ўзбек тилида.
9. Сув таъминоти ва оқава тармоқлари ускуналаридан фойдаланиш (11 йиллик маълумоти билан). Ўқиш ўзбек тилида.

II. КЕЧКИ БЎЛИМ.

1. Халқ хўжалиги тармоқларида иқтисод ва режалаштириш (9 йиллик маълумоти билан). Ўқиш ўзбек ва рус тилларида. Ғазалкент филиали.
2. Бино ва иншоотларни қуриш ва улардан фойдаланиш (11 йиллик маълумоти билан). Ўқиш ўзбек ва рус тилларида. Ғазалкент филиали.
3. Ёгочга ишлов бериш технологияси (11 йиллик маълумоти билан). Ўқиш ўзбек ва рус тилларида. Янгийўл филиали.

III. СИРТҚИ БЎЛИМ.

1. Халқ хўжалиги тармоқларида иқтисод ва режалаштириш (11 йиллик маълумоти билан). Ўқиш ўзбек ва рус тилларида.
2. Сув таъминоти ва оқава тармоқлари ускуналаридан фойдаланиш (11 йиллик маълумоти билан). Ўқиш ўзбек ва рус тилларида.
3. Бухгалтерия ҳисоби (9 йиллик маълумоти билан). Ўқиш ўзбек ва рус тилларида.

Бизнинг манзилимиз: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 32-уй. Тел.: 44-24-42, 44-61-80, 44-23-04.

«АКАТЭКС ТЕКСТИЛЬ САНОАТ ВА ТИЖОРАТ ЛТД» ЎЗБЕК-ТУРК ҚЎШМА КОРХОНАСИ

15 кг ва 50 кг ун қопларини ҳамда қуйидаги тегирмон вальцларини пул ўтказиш йўли орқали

СОТАДИ

Бухлер стандартли вальц (1000x250) — 125 000 сўм.

Рус стандартли вальц (1000x250) — 120 000 сўм.

Рус стандартли вальц (800x250) — 110000 сўм.

Бизнинг манзил: Тошкент, Маяковский кўчаси, 6. Телефонлар: 67-23-74, 67-77-41.

ТАШКИЛОТ

Қозоғистонда ишлаб чиқарилган А-76, А-80 автомобиль бензинлари ва дизель ёнилғиларини нақд пулсиз ҳисоб-китоб усулида

СОТАДИ

ҳамда узоқ муддат сақлаб беришни

ТАКЛИФ ЭТАДИ.

Нархлар арзон, шартнома асосида.

Улгуржи харидорлар учун нарх тушириб берилади.

Ёқилғини ташиш учун автомобиль хизмати кўрсатади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Боткин кўчаси, 5-уй. Телефонлар: 67-44-60, 68-12-06.